



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК, ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, капитан

Турғунпўлатов Авазбек Акрамжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 209-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14938625>

### ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 27th February 2025

#### KEYWORDS

Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси, профилактика  
инспекторлари, жамоатчилик,  
парламент ва депутатлик  
назорати.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада хуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти устидан  
жамоатчилик, парламент ва депутатлик  
назоратининг самарали механизмлари,  
профилактика инспекторларини парламент  
жамоатчилик ва депутатлик назоратини  
амалга ошириш йўллари, халқаро тажриба,  
муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг  
ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар  
ёритилган

Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, хуқуқ тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилмоқда. Бунда, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг ўрнатилиши қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлашда ўрни ниҳоятда катта. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг ўрнатилиши энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда хуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Юртимиз тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғояси йўлидан дадил бормоқда. Мазкур ғояни амалга оширишда жамоатчилик назоратининг ўрни беқиёсдир. Хўш, жамоатчилик назоратининг мақсади нима? Ушбу соҳадаги хориж тажрибасини биламизми?

Жамоатчилик назорати бу халқнинг сиёсий ҳокимият устидан том маънодаги назорати ҳисобланади. Халқ назорати қанча кучли бўлса, жамият муаммоларига ҳам тез ечим топилади. Яъни жамоатчилик назорати жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни, халқни ўйлантираётган, ташвишга солаётган камчиликларни ҳал этишда, давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишини таъминлашда муҳим роль уйнайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини ҳолисона баҳолашга халақит бермоқда,” дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртимизда жамоатчилик назорати институти узоқ тарихий илдизларга эга. У асрлар давомида оқсоқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Тарихдан бу институт уруш ва тинчлик масалалари, низоларни шарқона оғир-босиқлик билан ҳал қилиш учун ташкил топган. Кейинчалик Кенгашлар маҳаллаларда ҳашар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ёрдамга муҳтожларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ўзини ва ўзгаларга эътиборли бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд бўлмаслик ва бошқа жамоат ишлари билан ҳам шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган. Бу борада буюк аллома Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Бундай ёндашувлар бизга мерос бўлиб, ўзининг амалий натижаларни бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йил 12 апрельда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон қонунининг қабул қилиниши давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш вазифасини белгилаб берди<sup>1</sup>.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган шаффофликка асосланган янги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг таъсир доираси ҳам сезиларли равишда кучаймоқда. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, шуингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йиғинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида”ги<sup>2</sup> ҳамда “Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бундан кўзланган мақсад фуқаро – жамоат ташкилотлари – давлат бирлигини мустаҳкамлаш орқали халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг халқдан узоқлашишининг олдини олишдир.

Илк қадам сифатида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани ҳамда судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилганини ҳам мисол сифатида келтириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида 2018 йил 12 апрельда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон қонуни.

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йиғинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида”ги қароридан.

мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан илк маротаба “Маҳалла посбони” аъзолари, “Фидокор ёшлар” гуруҳлари ва “Жамоатчилик назорати масканлари” фаолиятига раҳбарлик қилувчи профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларини танлаш тажрибаси қўллангани ҳам яхши натижаларни бермоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик сиёсат, очиқ-ошкора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси ўлароқ, бугун жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда ортди. Жумладан, халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, умумхалқ муҳокамасидан ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг

раҳбар-мутасаддилари ишига муносабатлар билдирилаётгани натижасида кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси 1 августга қадар узайтирилгани ҳам халқ билан бамаслаҳат иш қўрилаётганидан далолат бермоқда. Энг муҳими, бу жараёнда мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг дахлдорлик фаоллиги кўриниб турибди. Дарҳақиқат, конституциявий қонун лойиҳасидан жамоатчилик назоратининг ўрин олиши муҳимдир.

Бу борада АҚШ тажрибасига бироз тўхталсак. Масалан, АҚШда жамоатчилик назорати ғояси узоқ тарихга эга. АҚШнинг 4-Президенти Жеймс Медисоннинг “Federalist” газетасида чоп этилган фикрига кўра: “Республикачи”ларнинг озодлик руҳияти, шубҳасиз, нафақат бутун ҳокимият халқдан чиқиши, балки халқ ишонч билдирган ҳокимиятлар ҳам халққа боғлиқ бўлиб қолиши керак...”. Бугунги кунга қадар бу ғоялар, яъни ҳокимият органларининг халққа ҳисобот бериши АҚШда сиёсий анъана сифатида қабул қилинган ҳамда бу борада ўзига хос бой тажриба тўпланган.

АҚШда жамоатчилик назорати икки йўл билан амалга оширилади. Биринчиси – фуқароларнинг хоҳиш-истакларини тўғридан-тўғри ифодалаш бўлса, иккинчиси – халқ томонидан сайланган вакиллар амалга оширади. Эътиборли жиҳати шундаки, иккала назорат усулининг бир-биридан устуворлиги ҳақида гапириш ўринсиз, улар биргаликда бир мақсадга хизмат қилади. Масалан, тўғридан-тўғри жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари, журналистик текширувлар, фуқаролар йиғилишлари, жамоат тингловлари орқали жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизаси ва ҳоказо усуллар ёрдамида амалга оширилса, иккинчи вакиллик усулида парламент назорати, ҳуқуқий қонун чиқарувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг назорати орқали амалга оширилади.

АҚШдаги яна коллабораций номли услубига тўхталсак. Бу услуб фуқароларнинг турли хил фикр ва ғояларини тўплашга эмас, балки фуқароларга маълум бир муаммоларни аниқ етказиб, уни шу соҳанинг етук мутахассисларини таклиф қилган ҳолда ечимини ҳал қилиш ҳисобланади. Бу услуб нафақат юқори даражали натижаларга эришишга, балки бутун жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштиришга ҳам хизмат қилади. Одамлар ҳукумат ҳал қила олмаган баъзи муаммолар ечимида уларнинг ҳам ҳиссаси ва ўрни борлигига ишонч ҳосил қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдосининг кучайиб бориши ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўйиши кўрсатиб ўтилди ва мавжуд муамм ва камчиликлар келтириб, уларнинг бартараф этиш йўналишлари белгиланди<sup>3</sup>, жумладан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаётганлиги кўрсатилиб, бу камчиликни бартараф этиш учун ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сонли Қарорида профилактика инспекторларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шу жумладан ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш вазифаси қатъий белгиланди<sup>4</sup>. Мазкур қарор асосида 2017 йилнинг 1 октябридан профилактика инспекторлари ўз лавозимига тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтадиган муҳокамалар натижаларига кўра қабул қилинадиган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан тасдиқланиши ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисобот бериб боришлари жорий этилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, профилактика инспекторларининг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ кўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон ҳаётига доир ҳар бир қарор халқ билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинмоқда. Ҳозир “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя натижалари фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Профилактика инспекторлари халқимизга хизмат қилмоқда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сонли Қарори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасида 2018 йил 12 апрельда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон қонуни.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йиғинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида”ги қароридан.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сонли Қарори.
5. ugli G'ofurov AA, o'g'li Mustofaqulov BA HUQUQIYATCHILIKLARNI profilaktika xizmatida KADRLARNI TAYYORLASHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH //XALQARO ILMIY KONFERENSIYA” ILMIY ILMIY ILMIYATLAR VA INNOVATION YAZILISHI”. – 2024. – V. 1. – Yo‘q. 2. – B. 16-22.
6. o'g'li Mustofaqulov BA, o'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – V. 1. – Yo‘q. 6. – B. 188-192.
7. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Асадбек Аброр Ўғли Абдухалилов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

INNOVATIVE  
ACADEMY